

HUQUQ

#41

(408)

YURIDIK GAZETA

Oktabr

D.	31	3	10	17	27
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда қўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда қўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади;

янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди;

худудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлаб бажариладиган) жойдан қатъи назар уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш тақдорличилигига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдирномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарини белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда иштиёрий равишда қўлаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўйилмаслиги;

2. Вазириликлар, идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қаттиқ огоҳлантириб қўйилсинки, назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг ҳўжалик фаолиятига ноконуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қўлаган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқ ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг янгиланган тартиби тасдиқлансин.

4. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазириликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш йилик ва чорак мувофиқлаштирувчи режа-жадвалларини шакллантиришнинг аниқ асосланган тамойиллари ишлаб чиқирилиши таъминлансин;

2005 йилнинг 1 декабргача муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини 2006 йилда текшириш мувофиқлаштирувчи режа-жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, унда мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ комплекс текширишлар ўтказишнинг асосланган тамойиллари ва муддатларидан келиб чиққан ҳолда текширилиши лозим бўлган субъектлар рўйхатини шакллантиришни назарда тутсин;

назорат органларига «ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун моддаларига қатъий мувофиқ равишда режадан ташқари текширишлар ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган фавқулодда ҳолатларда уларни ўтказишга рухсат берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик манфаатдор вазириликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳўжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирилар Маҳкамасига киритсин.

Вазириликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг идоравий норматив ҳўжатларини мазкур Фармон билан мувофиқлаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 3 августдаги «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида» ПФ-2678-сонли Фармонининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Шамшиев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

К.С.Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Комил Сафарович Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
5 октябрь 2005 йил

И.КАРИМОВ



Комил Сафарович ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари этиб тайинланган Исмоилов Комил Сафарович 1962 йил Самарқанд вилоятида таваллуд топган. Маълумоти олий, 1990 йилда Харьков юридик институтини тамомлаган.

1990 йилдан прокуратура органларида иш бошлаб, Навоий шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчи, катта терговчи, Навоий вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Навоий вилоят маҳсулоти тақдирланган ҳарбий қисм прокурорининг ўринбосари

лавозимларида фаолият кўрсатган. 1995 йилдан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси прокурори, катта прокурори, доғая етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган.

1996 йилдан 1998 йилгача Навоий вилоят судининг судяси бўлган, 1998-2000 йилларда Президент девонида масъул лавозимларда ишлаган. 2000 йилда Тошкент вилоят прокурори, 2002 йилдан Президент девонининг адлия, прокуратура ва суд масалалари бўйича бош инспектори, давлат маслаҳатчиси ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Ўзбекистон халқ табибати академияси аъзоси, «Зомин» санаторийси фитобари раҳбари Зийда Аслонова бир неча йилдан буён гиёҳлар билан тиллашиб келади. Бундан 12 йил муқаддам йўланма билан Зоминга давола-нишга келиб шу ерга маҳлиё бўлиб қолди. Ҳозир у тайёрлаётган ўндан ортиқ доривор ўсимликлардан тайёрланган дамламалар дам олувчилар ва беморлар дардига маҳкам бўлмоқда.

Мухаммад КАРИМ олган сурат



MULOHAZA

Мен билган андижонликлар

Ўшанга ҳам 30 йилдан ошиқроқ вақт ўтибди. Шу кунни негадир ишдан уйга эртароқ қайтдим. Онам Шамшод кўнчироқ қилиб, Пардабойнинг отаси оламдан ўтгани ҳақида хабар қилганини айтиб қолди.

Дарҳол йўлга отландим. «Андижон-Тошкент» автобуси тўнги бирларда Андижонга кириб борди. Шохбекада тўхтаган, йўловчилар зумда тарқалиб кетишди. Бир ўзим қаерга боришни билмай, қақайиб қолдим. Боя уйдан шошиб чиқиб келаверган эканман, мана ҳозир Пардабойнинг уйини билмаслигим эсимга тушди. Қўлимдаги қорғозда фақатгина «Андижон область Пахтабод райони. Тўхтабоев Пардабой» деган ёзув.

— Ха, меҳмон, бировни кутаяп-сизми?

Дабдурустан эшитилган овоздан қўйиб тушдим. Шундан қўйиб қўйиб дўппи кийган, ўрта ёшлардаги бир киши турибди. Качон келганини ҳам сезмай қўлибман.

— Ассалому алайкум.

Хуллас, мусофирчилигининг «моҳарфини ҳам билмаслигим шунда

55 ёшга чиқиб Андижонга фақат бир мартагина борганман. Дунёнинг ишлари-да, ўшанда ҳам фотиҳа сабабли. Ҳарбий хизматни ўтаганимизда, батальонда Ўзбекистонликлар 3 киши — Андижондан Пардабой, жиҳазлик Шамшод ҳамда Тошкентдан фақатгина камина эдик.

аён бўлган эди. Халиги одам Пахтабод райони Андижондан 35 километрча узоқда эканини айтиб, ҳозир у ерга ҳеч қандай транспорт юрмаслиги боис уйига тақлиф қилди. Рад этдим. Қўярдан қўймай олиб кетди. Ярим кечаси бўлишига қарамай, аёли дастурхон тузади, чой қўйди. Эрталаб уйқудан туришимга мастава тайёр экан. Но-нуштадан сўнг мезбон (афсуски, исмини унутганман) шохбекада кузатиб чиқиб, Пахтабодга юрадиган автобусга ўтказиб юборди.

Пахтабодга келган эса кечагидан ҳам баттар аҳволда қолдим. Пардабой деб кимдан сўрасам, билмайман дейди. Уч-тўрт соат шу тарзда ўтди. Бир пайт Пардабой акаси Андижонда чиқадиган газетада ишлашини айтганлиги ёдимга тушиб қолди. Ақсига ақсининг исмини ҳам билмайман. Таваккал дедим-да, сўраб-суришти-риб район газетасини топиб бордим. Газета муҳаррири жуда яхши ку-

тиб олди. Пардабойни ҳам, акаси Хайдар ақани ҳам яхши танир экан. Ярим соатлардан кейин фотиҳага кириб бордик. Ҳатто бошимга дўппи ҳам топиб беришди.

Фотиҳанинг иккинчи кўни экан. Кечгача Пардабойнинг ёнида турдим. Уйга отланган эдим, жавоб бермади. Эртасига деярли тушгача ёнидан узоқлаштирмади. Жуда қўймаганимдан кейин жавоб бераркан, кеча танишганим Рустам исмли синфдошини қаёриб, бир нималар дея тайинлади. Рустам ҳўп дегандай бошини силжитди-да, шовланча қаергадир чиқиб кетди. «Ҳозир кетасан уйинга. Рустам келсин». Оғайним синфдошини қаерга жўнатганига ҳайрон эдим. Қўп ўтмай Рустам кириб келди. Пардабой ака-укалари билан кўчагача кузатиб чиқди. Рустамнинг машинасига ўтириб йўлга чиқдик. Машина тўғри йўлдан қўп юрмай, дарахтзор жойга келиб тўхтаган захоти уч-тўрт йилгит пешвоз чиқди. Чойхона экан. Қаерга ҳам кета олардим. Тезда андижонча ош сузилди.

(Давоми 5-бетда).

СВОЖЖК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Чимбой шўба корхонаси мансабдорлари пул ўтказиш йўли билан «Чимбоймў» ОТАЖДан олинган 12 млн. сўмлик 10.500 кг. пахта ёғини қайта сотиб, пуллари банкдаги махсус ҳисоб-рақамга топширмай, корхонанинг субсўбига топширишган. Сўнгра ушбу пуллари ун сотиб олиш учун «Чимбойдон» АЖ ҳисоб-рақамга ўтказиш, бу билан «Чимбоймў» ОТАЖнинг 30.271.100 сўмлик боқиманда қарзларининг ўндирилишига зарар етказган.

Янгиер шаҳридаги «Курилайт-ган корхоналар бирлашган дирекцияси» корхонаси раҳбари Т.Чупонов ва «Электромонтаж» корхонаси раҳбари К.Шодиев олдиндан келишган ҳолда қалбаки шартномалар тузишиб, бажарилмаган ишлар учун «Электромонтаж» корхонасидан 6 млн. 450,5 минг сўм тўлатиб олганликлари аниқланган.

Зарбдор туман «Йўл қурилиш-таъмирлаш ва фойдаланиш» корхонаси раҳбари М.Кўчаров ва хазиначи Ф.Қодирқуловлар ноқонуний равишда 2005 йилнинг августда корхона ишчиларига иш ҳақи сифатида тарқатилиши лозим бўлган 919.000 сўмини тарқатмай, талон-торож қилган. Текширувда корхонанинг собиқ раҳбари М.Саитқулов ва корхона хазиначиси Ф.Қодирқуловлар иш ҳақи тарқатилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тузишиб, 712.000 сўмини ўзлаштиришганлиги маълум бўлди.

Ромитан туман «Сивёуш-Ситора» ХКси раҳбари Ж.Бақоев кадрост ҳужжатлари, улгуржи ва чакана савдо гувоҳномаларини қалбакилаштириб, 2005 йилнинг июл-сентябр ойларида 1 млрд. 371 млн. 900 минг сўмлик товар айланмаларини амалга оширган. Шунингдек, пул ўтказиш йўли билан олинган 32 млн. сўмлик махсулотларини қайта сотиб, савдодан тушган пуллари НКМдан ўтказмай, банкка топширмаган.

Олмалик шаҳридаги «Saidmurod-savdo» ХК раҳбари Н.Саидқаримова ҳужжатларни қалбакилаштириб, улгуржи савдо гувоҳномасини қўлга киритганлиги аниқланган. Шунингдек, «Миллий банк»нинг Олмалик шаҳар бўлими бошқарувчиси Р.Нурматов ҳужжатларни сохта-лаштириб, «Saidmurod-savdo» ХКнинг низоми жамғармаси тўлиқ шакллантирилганлиги тўғрисида маълумотнома берганлиги аниқланган.

Тошкент шаҳридаги «Сергели автосалони» ёнида фуқаролар Ж.Умурзоқов, О.Бобоевлар 6200 АҚШ долларини ноқонуний равишда фуқаро Н.Ирисовага 7 млн. 254 минг сўмга сотаётганида қўлга олинди.

Юрчидаги бarchа ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.



PROKUROR PROTESTI BILAN

Якка тартибда уй қуриш фуқароларининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шунингдек, давлат ҳам бу борада аҳолига ер участкаларини ажратиш, уй қуришга сууда ва кредитлар бериш йўли билан ҳар тарафлама кўмаклашади. Судлар томонидан уйга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги низолар қурилайтганда эса қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланиши фуқароларнинг ҳусусий мулкка бўлган конституциявий ҳуқуқи ҳимоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент шаҳар прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими томонидан ўзбошимчилик билан эгалаб олинган ерларга эгалик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ фуқаролик ишлари ўрганилганда аксарият ҳолатларда ФКнинг 212-моддаси талаблари қўпол бузилишига йўл қўйилгани аниқланди.

Қонунчилигимизда ўзбошимчилик билан қурилган уй-жойнинг мақоми мавжуд бўлмаганлиги сабабли ундан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланмаган. Лекин баъзи ҳолларда судлар ўзбошимчилик билан эгаланган ерда қурилган иморатлардан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаб беришган. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2003 йил 14 феврал кунги ҳал қилув қарори билан Собир Раҳимов тумани ҳокимиятининг Р.Яминовага қарашли ноқонуний уй-жойни бузиш ҳақидаги даъвоси рад этилган. Аксинча, Р.Яминованинг фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги қарори даъвоси қаноатлантирилган. Шу тариқа Р.Яминовага Собир Раҳимов тумани Юнусова кўчаси 10-хонадондаги ўзбошимчилик билан қўшиб олинган 81 м² ерга қурилган 2 та яшаш хонасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Тошкент шаҳар прокурорининг протести билан суднинг мазкур ҳал қилув қарори бекор қилинди.

Умуман, танлов йўли билан ўтказилган 45 та мазкур тоифадаги фуқаролик ишларидан қўрилишича, судлар ноқонуний тарзда эгаланган 13.896,3 м² ерга эгалик ҳуқуқини, 2677 м² ерга эса фойдаланиш ҳуқуқини белгиланган. Ваҳоланки, Ер кодексининг 23-моддаси 2-қисмига асосан ер участкаларини ажратиш бериш ҳуқуқига Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ҳокимликлари эгадир.

УЙ-ЖОЙИНГИЗ ҚОНУНИЙМИ?

Кўп ҳолларда суд мажлисида иштирок этган ҳокимият вакиллари ҳокимиятнинг ноқонуний иморатни бузиш ҳақидаги даъвоси рад этилган, бу ҳолатга муносабатини билдиришмайди. Бу давлатга тегишли бўлган ерларнинг ноқонуний эгалаб олинишини рағбатлантиришдай бўлиб қоляпти.

Ўзбошимчилик билан эгалаб олинган ерга эгалик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ ишларни қўришда СЗС, Ёнгиндан сақлаш бошқармаларига юборган сўровномаларида судлар фақатгина қурилган имшоотнинг талабга жавоб бериш-бермаслигини сўрасан, бу биналарнинг ўзбошимчилик билан қурилганини кўрсатишмаган. Натижада ушбу идоралар вакиллари бинони жойига чиқиб текшириб кўрмасдан қурилиш нормаларига жавоб беради деган мазмунда

юзакли жавоб берганлар. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Акмал Икромов туманлараро судининг 2003 йил 10 декабрдаги ҳал қилув қарори билан К.Хидировнинг Акмал Икромов туман ҳокимиятига нисбатан ўзбошимчилик билан эгалаб олинган ерда қурилган иморатларга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан судга тақдим этилган ноқонуний иморатларни бузиш ҳақидаги даъволарни судлар туман ҳокимияти вакиллари тегишли тартибда жалб қилмасдан қўриб чиқишган. Бундан ташқари, айрим ҳолларда судлар ҳокимият вакили келмаганини асоссиз равишда сабаб қилиб, ишларни кўрмай қолдирган. Ваҳоланки, туман ҳокимиятининг вакили айнан шу кунги шу суд биносида бошқа суд мажлисида иштирок этган. Бунга мисол қилиб фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг Тошкент ша-

ҳар архитектора ва қурилиш бош бошқармасининг В.Манноновага қарашли ноқонуний иморатни бузиш ташлаш тўғрисидаги даъвоси юзасидан 2004 йил 20 апрелда чиқарган ажримини келтириш мумкин. Мазкур ажримга Тошкент шаҳар про-

курори томонидан назорат тартибда протест келтирилган ва фуқаролик ишлари бўйича

Тошкент шаҳар суди раёсатининг 2005 йил 9 июн кунги қарори билан қаноатлантирилган.

Яна бир муаммо шуки, судларнинг ноқонуний иморатни бузиш ҳақидаги қарорлари текшириш кўнига қадар ижро этилмаган. Жумладан, Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ мавзесидagi «Ширин» бозорида Ш.Хошимов ноқонуний равишда қўрган 40 м² сатхли дўконни бузиш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2004 йил 1 март кунги ҳал қилув қарорини туман суд ижрочилари бўлимига турли баҳоналар билан ҳамон ижро этмаган.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан мазкур тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ноқонуний қарорларига 10 та кассация протести, ноқонуний ажримларига 10 та ҳусусий протест ҳамда 25 та назорат тартибидagi протест келтирилди.

Б.ИБРОХИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори



TANLIL

Ижрочилар масъулиятни англаяптими?

Қарорлар ўз вақтида бажарилсагина давлат, ҳўжалик юришчи субъектлар ва фуқароларнинг манфаати тўла ҳимоя қилинади. Бу борада Бухоро вилоятида олиб борилаётган ишлар Республика Бош прокуратураси ва вилоят прокуратурасининг 2005 йил иккинчи арим йиллиги учун белгиланган режага асосан ўрганиб чиқилди.

Тахлиллардан қўрилишича, департаментнинг вилоят бўлимига ҳисобот даврида суд, боғхона ва ички ишлар органларидан 22.251 та ижро ҳужжати келиб тушган. Шундан 205 таси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» қўнуннинг 24-моддасига асосан қайтарилган. 18.046 та ҳужжат тўлиқ ижро этилган.

Текширишда департамент ижрочилари 3431 та ҳужжатнинг ижро этиш мuddатига риоя қилмаганлиги маълум бўлди.

Шу йилнинг 1-ярмида келиб тушган 11 млрд. 366 миллион 449 минг 950 сўмлик ижро ҳужжатлари бўйича 7 млрд. сўмликдан зиёди ундирилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир рақам ортида, аввало, инсон манфаатлари ётади. Шу нуқтаи назардан тизимда «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида» қўнун ижросига ҳам алоҳида

этибор қаратилаётти. Аниқланишича, баъзи туманларда ушбу қонун талабига хилоф равишда ариза ва шикоятлар, шунингдек, фуқароларни оғзаки қабул қилиш журналлари юритилмаган. Ижро мuddатлари бузилишига йўл қўйиб келинган. Департаментнинг вилоят бўлими томонидан қўриб чиқилган ариза ва шикоятларни ўрганиш шуну кўрсатадики, 2005 йилнинг ўтган даврида бўлимга суд қарорлари ижро этилмаётганлиги, алимент муаммолари ва бошқа масалалар юзасидан 83 та ариза келиб тушган. Шундан 54 фоизигина қонунда кўрсатилган мuddатда қўриб чиқилган. Аризаларга ҳўжақўрсин қабилида 2-3 ойдан кейин жавоб берилган. Шу тариқа фуқароларнинг конституцион ҳўқуқлари камситилишига йўл қўйилган.

Масалан, вилоят ҳўжалик суудининг 2005 йил 6 июндаги Бухоро пахта тозалаш заводи молмулкдан республика бюджетига солиқ бўйича 708 млн. 477 минг 200 сўм қарзни ундириш тўғрисидаги қарори бўйича вилоят бўлими катта ижрочиси Ф.Ражабова 2005 йил 8 июл кунги ижро ишини юритиш тўғрисида қарор қабул

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Судлар фаолиятини тақомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» қарорига асосан Адлия вазирлиги ҳузуридаги судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техникавий жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилди. Департамент зиммасига суд ва бошқа органларнинг қарорларини сўзсиз ижро этишдек масъулиятли вазифа юкланди.

қилган. Унинг нусхаси ундирувчига, қарздорга ва вилоят ҳўжалик судига юборилган. 2005 йилнинг 25 июл кунги жамиятнинг мол-мулки рўйхатга олиниб, даволотнома тузилган. Бироқ ижро ҳўжжати юзасидан бошқа иш қилинмаган. Бунинг ортида кимнинг манфаати ётибди экан?

Афсуски, бу каби қонунбузилиш ҳолатларига вилоят бўлими катта ижрочилари Е.Мақсудов, Н.Шамсиев, А.Екубовлар ҳам йўл қўйишган. Шу ўринда бир мулоҳаза: суд ижрочисининг ваколат доираси катта, гап — бу ишонч ва масъулиятни оқлашда, қонун устуворлигини таъминлай билишда. Текшириш якуни юзасидан вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари томонидан ЖКнинг 122-моддаси билан 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Амрулло МАКСУДОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори



NAZORAT

Фермерлар манфаати ҳимояда

Навоий шаҳар прокуратураси томонидан «Навоийдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятида шартнома интизомига оид қонунчилик ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқланишича, «Навоийдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти билан Кармана тумани Нарпай ширкат ҳўжалигидаги «Райхонобод» фермер ҳўжалиги ўртасида дон харид қилиш бўйича 2004 йилнинг 1 октябрда шартнома тузилган. Аммо, шартномага кўра фермер ҳўжалиги томонидан етказиб берилган махсулот учун 282.407 сўм тўлов ўз вақтида тўланмаган.

Шаҳар прокуратураси «Навоийдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятидан «Райхонобод» фермер ҳўжалиги фойдасига вақтида тўланмаган тўловларни ундириш ҳақида вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритишни сўраб, вилоят прокурори номига тақдимнома киритди.

Ўз ҳақиқа «бек» бўлмай юрган фермер ягона эмас экан. Текширишда «Навоийдонмахсулотлари» АЖ Навбаҳор туманидаги «Учтут» фермер ҳўжаликлари уюшмасидаги «Нормуроджон» фермер ҳўжалиги етказиб берган махсулотлари учун 337.247 сўм, «Истиклол» ширкат ҳўжалигидаги «Қўлдошев Жўракул» фермер ҳўжалигига 247.625 сўм тўловни ўз вақтида тўламасдан келаётгани маълум бўлди.

Ҳозирда вақтида тўланмаган тўловлар ундирилиб, фермерлар манфаати қонун ҳимоясига олинган. **Раҳимжон МАХМАНОВ,** Навоий шаҳар прокурори ёрдამчиси

SEMINAR



Ўсмир Ва қонун: муаммолар, ютуқлар ва тажрибалар

Воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мурасасиз муҳитни шакллантириш долзарб вазифалардан саналади. Айни пайтда мазкур йўналишда воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш идоралари ва ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳамкорлиги яхшиланиб бормоқда. Бундай ҳамкорлик натижаси сифатида мамлакат бўйича воёга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг камайишига эришилган ва ўқимай-ишламай юрган болаларнинг сони ҳам ўтган йилларга нисбатан камайганини кўрсатиш мумкин.

2005 йил 11 октябр куни пойтахтимиздаги яқинда фаолият бошлаган «Ёшлар ижодиёт уйи»да Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Бош прокуратура ва UNICEF ҳамкорлигида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги комиссияларнинг масъул котиблари иштирокида «Воёга етмаганлар муҳитида қонунийлик: тажриба ва муаммолар» мавзусида семинар-тренинг иш бошланди.

Маълумки, воёга етмаганлар масаласи аҳолининг 44 фоизини болалар ташкил этувчи Ўзбекистонда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда ҳукуматимиз 2000 йилда ҳокимликлар ҳузурида воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан махсус қарор қабул қилган бўлиб, ҳозир мамлакатимиз миқёсида 213 та ана шундай комиссия ишлаб турибди.

Воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари билан давлат органлари, жамоат ташкилотлари, айниқса «Sen yolg'iz emassan» болалар жамғармаси фаол шуғулланмоқда. Республика комиссиясининг мазкур жамғарма билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганлиги болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш самарадорлигини оширапти.

Анжуманда воёга етмаганлар муҳитида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар ҳамда бу йўналишда имкониятлардан самарали фойдаланиш, қонунийлиги такомиллаштириш, илгор ҳорижий тажрибаларни оммалаштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тадбирда Олий Мажлис депутатлари, Бош прокуратура, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг мутасаддилари иштирок этдилар.

MUAMMO



Ўхшуд Тожикистон алюминий заводида Сурхондарё вилоятига етказиётган зарарлари ҳусусида

1975 йилда қуриб фойдаланишга топширилган Турсунзода минг алюминий заводи Сариев тумани чегарасидан атиги 9 км. нарида жойлашган. Бу завод инсон ҳаёти учун ўта хавфли ва зарарли, ҳатто инсонларда ва ҳайвонларда бепуштлиқ келтириб чиқарадиган фтор водороди газини тинимсиз ҳавога тарқатмоқда. Сўлим воҳамиз замини тобора оғу билан захарланиб бораётганини ниятда ташвишлидир.

Завод воҳамиз томон эсади-ган шомол йўналишининг қулай жойида бунёд этилган. Шунинг учун ҳам ўта зарарли фтор бирикмасининг 80-83 фоизи Узун, Сариев, Денов, Олтинсой, ҳатто Бандихон, Қизилқум, туманларига етиб бориб, ҳаводан ерга сингмоқда. Республика миқёсидаги нуфузли соғлиқни сақлаш ҳамда экологик муҳитни ўргатувчи бир қатор муассасалар мутахассисларининг таъкидлашларича, воҳанинг шимолий туманларида экологик вазият ўта хатарли бўлиб бораётди. Аҳолининг асосий қисми турли касалликларга чалинган, ҳомилдор аёлларнинг 90 фоизи, туғиш ёшидаги аёлларнинг 73 фоизи ўта камқонлиги, қақалоқлар ўлимнинг ортиши, бепуштлиқ даражаси эркак ва аёллар ўртасида қўлайиб бораётганлиги далиллар билан исботланган.

Фақат Узун туманида эндокрин касалликлар билан оғирганлар сони 2004 йилда 43.380 нафар кишига етган. Руҳан заиф,

жисмонан кам қувват болалар сони тобора кенгаймоқда.

Денов туманидаги Юрчи, Отқамар, Минора, Аргун қишлоқларида, Сариев туманидаги Сўфиев, Дашнобод, Фозилқўчди қишлоқларида қорамол, қўй ва эчкиларнинг тиши тўкилиб кетмоқда.

Узун ўрмон ҳўжалиги қўчатчи боғбонлари етиштирган икки йиллик ҳурмо ҳамда ёнғоқ ниҳолларининг барглари шу йил апрел ойидаги (биринчи ўн кунлиги) кислотали ёмғирлар туфайли қовжираб қолди. Шу тумандаги Қизилқўч қишлоғи кўчаларининг безаги ва кўрки бўлган кўп йиллик гилос дарахтлари барги сарғайиб, кетма-кет қуриб кетмоқда.

Сариев шаҳарчасининг аэропорт маҳалласида май ойидаёқ тоқларнинг барги тушиб, ҳарорез бўлади. Бу ерда қовжиранин урик новдаларини қўриб, юрак эзилди.

Шу тариқа, инсон саломатлиги, туپроқ, сув, ҳайвотот ва ўсимлик оламига ўнглаб бўлмас зарар етказилмоқда.

рар етказилмоқда.

Алюмин заводи бир йилда атроф-муҳитга 21 минг тонна ифлос чиқиндиларни чиқариб ташлайди. Шундан 119 тонна инсон, ҳайвотот ва ўсимликлар оламига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи манбалардир.

Рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат — фторли водород бирикмасидан кўрилатган зарарларни сўз билан ифодалаш қийин.

Биргина Узун тумани атмосфера ҳавосида фтор водородининг концентрацияси нормага нисбатан 5,6 марта, Сариев туманида эса бу кўрсаткич 6,2 марта кўпайиб аниқланган. Шунга қарамай, завод мутасаддиларининг захарли моддаларни тўтиб қолувчи филтёрлардан тўла қувватда фойдаланилмаётгани ажаблантириди. Улар «қимматли» филтёрларни авайлаб-асраш мақсадида захарли тўтуларни тўн ярмидан тонгача улкан қувурлар орқали ҳавога пуркамоқда.

Инсонлар тақдирини, олам тақдирини бу қадар бепарволик билан қараётган киимсалар бир кунмас бир кун она табиат, яратганнинг ҳақ сўровига жавоб бергусидир.

Сафарали ЭШМИРЗАЕВ, журналист

OLIIY MAJLIS QONUNCHILIK PALATASIDA

Парламент ва ОАВ ҳамкорлиги: муаммо ва ечимлар

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Европа иттифоқи комиссиясининг ЕвропЭйд Дастури доирасида «Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада «қурулаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этган халқаро анжуман «Икки палатали парламент фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши: халқаро тажриба ва ҳамкорлик амалиёти» мавзусига бағишланди.

Парламент ва ОАВ ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилиниши бир томондан, ҳорижий тажрибаларни ўрганиш сари қўйилган муҳим қадам бўлса, иккинчи томондан, парламент фаолиятини ёритишда мавжуд бўлган бир қатор муаммолар ечимини топиш имконини берди. Ҳусусан, Олий Мажлис палаталари фаолиятини ёритувчи профессионал журналистлар камлиги, бу борада тажриба етишмаслиги, аккредитация масалалари эътибордан четда қолаётганлиги, ахборот олиш имкониятининг етарли эмаслиги, вилоят ОАВлар

имкониятидан зарур даражада фойдаланилмаётганлиги қайд этилди.

Маърузалар юзасидан фикр мулоҳазалар алмашишда ҳамда анжуман иштирокчилари учун руҳга бўлиниб, мавзуга дахлдор муаммолар муҳокама қилинганда, асосий эътибор уларнинг ечимларини топишга қаратилди. Жумладан, парламентнинг Матбуот хизмати фаолиятини такомиллаштириш, доимий аккредитацияни йўлга қўйиш, иктисосслашган журналистлар малакасини ошириш, мунтазам равишда матбуот конференциялари ва брифинглар ўтказиб бориш, Олий Мажлис фаолиятининг вилоят ОАВларида ёритилишига эътиборни қўяйотириш, «Парламент соати» каби рунлар ташкил этиш, мавжуд Веб-сайтларни ривожлантириш масалалари юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда мамлакатимиз ва хориждаги илгор тажрибаларни ўрганиш ҳамда оммалаштириш билан бир қаторда қўрилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Инсонпарварлик таомойилларига содиқлик

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Ўлим ҳазонининг бекор қилиниши: инсонпарварлик принципларида содиқлик» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Қуйи палата депутатлари, Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, бошқа мутасадди ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган анжуманини Қонунчилик ва суд-ҳуқук масалалари қўмитасининг раиси Н.Исmoilов кириш сўзи билан очди.

Анжуман иштирокчилари жорий йил 1 августда «Ўзбекистон Республикасида ўлим ҳазонини бекор қилиш тўғрисида»ги Президент Фар-

мони инсонпарварлик, одиллик таомойилларига содиқликнинг яна бир намунаси эканини қайд этишди. Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш изчил олиб борилаётган суд-ҳуқук тизимидаги ислохотларнинг янги босқичи бўлганини алоҳида таъкидлади.

Иштирокчилар ўлим ҳазонини бекор қилиш аҳамиятини омма орасида кенг тарғиб этишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз

MUNOSABAT

Тадбиркорга мададкор

Жорий йил тадбиркорларимиз учун том маънодаги мадад йили бўлди десак муболага бўлмайди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи бир қанча фармонлар ва улар асосида қабул қилинган қарорлар бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги ички маҳсулот тайёрлашда кичик ва ўрта бизнес вакилларининг иштирокини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда яқинда қўшни давлат телеканалида қўрган бир кўрсатувим ёдимга тушди. Унда ёнғин хавфсизлиги инспектори интервью бериб, ишлаб чиқариш кичик фирмаларда ўтказилган текширишлар сони, улар бўйича қўлланган жарималар миқдорини жуда берилиб гапирди. Ҳатто, интервьюсида олдинги йилларга нисбатан бу борадаги текширувлар сонининг қарийиб 3 баробарга ортгани ҳам баландларвоз сўзлар билан айтиб ўтилди. Бу биргина ёнғин хавфсизлиги деган ташкилотнинг текширувлари эди, холос. Энди ўзингиз бир тасаввур қилинг, бундай текширувларнинг тадбиркорга қанча фойдаси етгади-ю, қанча зарари?

Шу йилнинг 5 октябрида мамлакатимиз Президентини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган яна бир Фармонга имзо қечди. «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ҳужужий жиҳатдан тадбиркорларимизга мустаҳкам таян бўлди. Фармонда тадбиркорлик субъектларини текширишнинг кескин қисқартириш мақсадлари ўз аксини топган. Эндиликда, микрофирма-

лар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини ҳар йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режалли текширишга рухсат берилди. Шунингдек Фармонда вазирликлар, идораларнинг раҳбарлари, вилоятлар ва шаҳар ҳокимликлари томонидан рухсатсиз текширувлар ўтказилгани, тадбиркорлик фаолиятини ноқонуний аралашгани учун жиноий жавобгарликка бўлган жазо чораларининг қўллаш қатъий белгиланган. Мазкур банднинг қиритилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳали-ҳуноз айрим мансабдорларнинг тадбиркорлик фаолиятини асосиз аралашувлари кузатиляпти. Биргина жорий йилнинг ўзида прокуратура органларининг ёрдами билан, тадбиркорлар манфаатига етказилган моддий зарарларнинг 36,5 млн. сўми айнан мансабдорлардан ихтиёрий равишда ундирилган. Ҳар бир қонунбузилиш ҳолатлари бўйича қатъий прокурорлик назорат ҳужжатлари қўлланляпти. Шу йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари ҳўжужларини вақонуний манфаатларининг бузилишига йўл қўйган 35 нафар шахсга нисбатан 33 жиноят ишлари қўзғатилди. Энг ачинарлиси, шунинг 7 тасини порахўрлик ва 18 тасини бошқа турдаги мансабдорлик жиноятлари ташкил қилади. Шу боис ҳам, Фармонда белгилангандек, прокуратура органлари тадбиркорларнинг қонуний ҳўжў ва манфаатларини таъминлаш йўлида бундан кейин ҳам аниқ вазифаларни амалга оширадилар.

Тоҳир САИДБОЕВ



JOURNALIST SURISHTIRUVI

Тахририятимизга ҳар куни республикамизнинг турли жойларидан кўплаб хат-хабар ва шикоятлар келади. Кейинги пайтларда уй-жой билан боғлиқ шикоятлар сони кескин кўпайди. Кимдир ҳокимликдагилар ер участкаси бермаётганидан нолиса, яна бир юртдошимиз коммунал тўловларини асоссиз ошиб кетаётганидан норози бўлиб, ёрдам сўраб мактуб битади. Бундай муаммоларни ҳал қилишнинг ўзи бўлмайди.

Яқинда тахририятимизга шунга ўхшаш яна бир шикоят хати тушди. Унга Қ.Абдуллаев, Б.Жонбоев, О.Раҳимов ва бошқалар, жами 22 киши имзо қўйган. Шикоятда, жумладан шундай дейилади:


«...Биз «Ўзбекистонда» ОТАЖ ишчи-хизматчилари узоқ йиллардан бундан қоронғиликка қарши 2-ётоқхонада ошамиз билан яшаб келаямиз. Ётоқхона 20 йилдан бундан таъмирланмапти. Иссиқ сув ва совуқ сув келадиган қувурлар яроқсиз ҳолга келган. Бу ердаги шaroит санитария қоидаларига мувофиқ бўлиш келмайди. Коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб бераёلمиз. Бошқа борадиган жойимиз йўқлигидан 4-5 нафар фарзандларимиз билан ношароитда яшаб келаямиз. Ётоқхонани ишчи-хизматчиларга хусусийлаштириб беришса, ҳар бир оила ўз маблағи ҳисобидан хоналарни таъмирлаб олиши мумкин. Бу борада бир неча марта раҳбариятига ёрдам сўраб ариза ёздик. Аммо, ижобий жавоб олмадик...».

Шу ўринда «Ўзпахтамаш» ОТАЖ тарихига назар солидиган бўлсак, унга 1947 йили асос солинган. Бугун бу ерда 428 нафар ҳодим фалoият кўрсатади. Корхона пахта заводлари учун керакли ускуна ва эҳтиёт қисмларни тайёрлаб беради.

Ишчиларнинг ётоқхонасини узоқ қидирмади. Пойтахтимиздаги «Бў» бозоридан унча узоқ бўлмаган ҳудудда жойлашган экан. Хизматчиларнинг айтишича, «Ўзбекистонда» ОТАЖ ҳафтада 4 кунлик иш режимида ўтган. Шанба ва яқшанба билан бирга жума кунни ҳам дам олишар экан. Бизнинг таъбиримизда шу кунга тўғри келибди. Тахририятга ёрдам сўраб шикоят ёзган ишчиларнинг кўпчи-

дейди Қудайберген Жабборбергенов. — 20 йилдан ортиқ заводда ишлаб, бир хонали жойга эга бўлмаслик одамга алам қиларкан. Фарзандларимиз воёга етаяпти. Нима қилишни билмай бошимиз

корхона ҳозир 4 кунлик иш режимида ўтган. Ётоқхонада яшовчи ишчиларнинг юрагидан бир хавотир: «ОТАЖ банкротга учраса, ётоқхона бирон-бир пулдор сотиб олса, бизнинг тақдиримиз нима кечади?».



«ЎЗ УЙИМИЗ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙМИЗ»

дейишмоқда пойтахтимиздаги «Ўзпахтамаш» ОТАЖга қарашли 2-оилавий ётоқхона ишчи-хизматчилари. Бироқ...

лиги ётоқхонада экан, бир зумда йиғилишди.

— Мен 1985 йилдан бери заводнинг қуёв цехида ишлайман. Ётоқхона учун ойига 14.800 сўм ҳақ тўлайман. 2 нафар фарзандим бор. Бу ерда яшаш учун ҳеч қандай шароит йўқ, — дейди Радик Нигматуллин. — Оилавий ётоқхонани хусусийлаштириб беришни сўраб завод раҳбариятига бир неча марта мурожаат қилдик. Ижобий жавоб ололмадик.

— Бу корхонада 1978 йилдан 2000 йилгача ишладим. Воёга етмаган 3 нафар фарзандим билан яшайман. Завод кассасига ойига 23.000 сўм тўлайман. Агар завод раҳбарияти ётоқхонани ишчиларга хусусийлаштириб берса, барча муаммоларни ўзимиз ҳал қиламиз, —

қотган.

— Ҳар биримиз бу заводда 15-20 йил ишладик. Уй беришмади. Биз тақдиримизни шу завод билан боғлаган эдик... — дейди биз билан сўхбатда Д.Юнусова, А.Аҳмедова, А.Безуглова ва бошқалар норози оҳангда.

Ишчиларнинг айтишича, шу йилнинг феврал ойида ҳар бир оила учун ётоқхона тўловларини ОТАЖ раҳбарияти 30.000 сўм қилиб қўйган экан. Ишчиларнинг ёза-ёзларидан сўнг бу нарх 10.000 сўмга камайтирилган. Шароити ҳақинда қарор бўлган ётоқхона учун бу тўловлар ҳам аслида адолатдан эмас.

«Ўзбекистонда» ОТАЖда молиявий аҳвол оғир. Ишчи-хизматчилар 2-3 ойдан бундан маошларини олмапти. Юқоридан айтганимиздек,

Бундай ҳол юз бермаслигига ҳеч ким қарантина беролмайди.

— ОТАЖни қийин молиявий аҳволдан чиқариш учун раҳбарият барча чора-тадбирларни кўрапти, — дейди касба уюшма қўмитаси раиси Алишер Раҳимов. — Оилавий ётоқхонага келадиган бўлсак, ҳозирча ҳеч кимни кўчага ҳайдаганимиз йўқ. Бу ётоқхона 408 ўринли. Ариза-чаларнинг кўпчилиги ётоқхона ҳақини тўламапти. Жумладан, Б.Жонбоев — 189.000, Х.Жабборбергенов — 182.000, О.Раҳимов — 116.000 сўм қарз. Ётоқхона учун тўловларнинг 72 фоизини ОТАЖ ўз зиммасига олган. Қолган 28 фоизи ётоқхонада яшовчилар ҳиссасига тўғри келади.

Хусусийлаштириш муаммосига келсак, ўндан ортиқ ташкилотдан

рухсат олиш керак. Яна бир муаммо шунки, заводда қуёв цехимиз бор. Унда унча-мунча киши ишламайди. Ишга келган ҳодим «Ётоқхона берасизми?» дейди. Шу боис ётоқхонани ана шу цехнинг ишчилари учун ўшлаб туришди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (ҳозирги Республика давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси)нинг Тошкент шаҳар бошқармаси 1999 йил 27 декабрдаги хатидан мазкур оилавий ётоқхонани хусусийлаштириш мумкин эмас дейилган.

— Бу жавобга салкам 10 йил бўлаяпти-ку? 10 йил оралигида уй-жой тўғрисида қанчалаб қонун, қарор ва фармонлар чиқди. Қолаверса, ТТЗ, «Тошкенткабел», «Тош-тўқимачи» каби йирик корхоналарнинг оилавий ётоқхоналари ишчилар учун хусусийлаштириб берилган-ку? — сўраймиз касба уюшма қўмитаси раисидан.

Жавобдан кўриниб турибдики, ОТАЖ маъмурияти оилавий ётоқхонани хусусийлаштиришдан манфаатдор эмас. Биринчи навбатда ётоқхонадан тушадиган тўловлардан маҳрум бўлади. Иккинчидан, ётоқхонадан ажраб қолади.

Уй-жой кодексининг 82-моддасида: «...Уйларни ётоқхоналарга ўтказиш, шунингдек, ётоқхоналарга уйлар макомини бериш уй-жой фонднинг мулкдорлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади», — дейилган.

Ишчилар тушкунликка тушмасдан тегишли идораларга мурожаат қилиши керак. «Олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш туттишса, муаммо муаммолигича қолаверади.

Қонун ким томонда? Бу муаммога, бизнингча, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг мутасадди раҳбарлари сўнгги нуқтани қўяди. Қонуннинг талаби ҳам шу. Акс ҳолда эса ёза-ёзлар давом этаверади.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Huquq» мухбири



DOLZARB MAVZU

Айрим нопок мансабдорлар эса таъмирлаш учун ажратилган бюджет маблағларини талон-тарож қилишдан тап тортишмапти. Юсуфан, Вазирил Маҳкамасининг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2004-2005 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси шаҳар коммунал фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармасида ўрганилганда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди.

2004 йил 11 март кунини шаҳар ҳокимининг «2004 йилда 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар-жой биноларида мукамал таъмирлаш ишларини олиб бориш учун тузилган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори чиққан. 13 та кўп қаватли уйни мукамал таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан салкам 77 млн. сўм, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳисобидан 26,8 млн. сўм, ҳолий ташкилотлардан 6,9 млн. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Йил охиригача атиги 50 млн. сўмлик иш бажарилиб, 5 та кўп қаватли турар-жой биносидан 23,9 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган.

Қарор ижросини назорат қилиш зиммасига юклатилган шаҳар ҳокими ўринбосари О.Сотволдиевнинг вазифасига совуқхонлик билан қарши оқибатда давлат маблағи талон-тарож қилинган.

Шаҳарнинг О.Хузуржонов кўчасидаги 26-уй, Б.Марғилоний кўча-

Марғилонда кўп қаватли уйларнинг сақланиши, таъмирланиши ўткир муаммолардан бўлиб келмоқда. Икки, уч, тўрт, беш қаватли 254 та уйнинг 243 таси ўн беш-ўттиз йил аввал қурилган. Аксарият биноларда ичимлик сув ва иссиқлик узатиш қурилмалари эскириб, чирий бошлаган.

Юқори қаватларга ёзда ичимлик суви чиқмайди, қишда эса уларни иситиш муаммога айланади. Шаҳар ҳокимлиги, коммунал хизмат идоралари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари режаласи асосда турар-жой биноларини мукамал ва жорий таъмирлаш билан шугулланишмоқда. Бироқ ҳўжакур-синга қилинаётган ишлар муаммони ҳал қилмаяпти.

сидаги 82-уй, «Тинчлик» кўчасидаги 157-уй ва яна бир қатор уйларда қайта текширув ўтказилганида, мутасаддислар далолатномаларга аслида бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилган, шу йўл билан қурилиш материаллари ва таъмирлашга ажратилган маблағнинг бир қисми талон-тарож қилинганини аниқлашди.


Буюртмачи ташкилот — Марғилон шаҳар коммунал фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси раҳбари Саиджолал Аҳоров илгари судланган, унга 1 млн. 904 минг сўм жарима солиниб, 423 минг сўминини тўлаган эди. Тегишли хўласа чиқариб олмаган «раҳбар» энди йирик-роқ «луқма»га чанг солиш режасини тузди. Шу мақсадда бошқарма бош муҳандиси Акрамжон Қорабоев, шаҳардаги 3-уй-жойларга хизмат кўрсатиш корхонаси раҳбари Мухаммад Ҳақимов, «Мустақиллик» УМШ раиси Мухторжон Эгамбердиевлар билан тил бириктирди.

С.Аҳоров ва М.Эгамбердиев 2004 йил 20 сентябр кунини тузилган далолатномада О.Хузуржонов ном-

ли кўчадаги 26-уйнинг томинини таъмирлаш, иссиқлик тармоғи, совуқ ва иссиқ сув ҳамда канализация тизимларини мукамал таъмирлаш жараёнида аслида қилинмаган 1 млн. 237 минг сўмлик ишни қўшиб ёзишди. Бундай ҳол бир неча марта такрорланган.

Шартномага биноан буюртмачи қурилиш материалларини etkazиб беришни зиммасига олган. Буюртмачи ташкилот раҳбари С.Аҳоров ваколатидан фойдаланиб, 11 турдаги 5 млн. 143 минг сўмлик қурилиш молларини асил қийматига нисбатан қиймат нархларда сотиб олиб, давлатга 1 млн. 155 минг сўм зарар etkazди. М.Ҳақимов эса қурилиш материалларини аслига қараганда 908 минг сўм қийматига харид қилган. Дастлабки тергов мабодинида шаҳар ҳокимлигига кири-

Ҳўнурайди, Виждон нўрамасин



тилган тақдимномага мувофиқ ҳоким ўринбосари О.Сотволдиев, коммунал фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси раҳбари С.Аҳоров лавозимидан бўшатилди.

Қабул қилиш комиссияси аъзолари таъмирлаш ишларининг сифатига панжа орасидан қарашган. Негаки, мукамал таъмирланган уйларда иссиқлик, иссиқ-совуқ сув муаммолари бўлмаслиги лозим. Бироқ О.Хузуржонов номли кўчадаги 26-уйнинг 3- ва 4-қаватларидаги квартираларга шу йил ёз бўйи ичимлик суви чиқмади.


Вақт ўтиши билан нураган уйларни таъмирлаб, тузатиш мумкин. Бироқ уларга хизмат кўрсатиш бевосита вазифаси бўлган кишиларнинг нураб бораётган виждонини «таъмирлаш» мушкул.

Бўйил шаҳарда кўп қаватли 9 та уйни мукамал, 180 та уйни жорий таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Бироқ ишлар суст кетмоқда. Кўзда тутилган 198 млн. сўмлик ишдан 45 фоизга яқини — 92,6 млн. сўмлиги ниҳоясига etkazилди, холос. Шаҳар ҳокимлиги ўтган йилги ҳолат такрорланмаслиги учун ишнинг сўрайти ва сифати устидан доимий назорат юритиши лозим.

Маҳмуджон ҚАЮМОВ, Марғилон шаҳар прокурори

MUSONABA

Таниқли ҳуқуқшунос Леонид Левитин совет суд-ҳуқуқ тизими тўғрисида фикр билдирар экан қуйдагича ёзади: «Мен ҳуқуқшунос олим сифатида учинчи рейх — нацистлар Германияси ва собик совет империясининг суд-ҳуқуқ тизимини ўрганиб чиқдим. Хайрон қоларли натижа шундан иборат эдики, фашистлар тизимининг бешафқатлиги ва геноцидга йўл очиб бериши ва буюкмилатчиликка асосланганини тушуниш мумкин эди. Лекин совет ҳуқуқий тамойилларини умуман англашининг имкони бўлмади. Партиянинг ҳуқуқат устига чиқиб олганлиги, қонун эмас, аллақандай директива ва резолюциялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги, суд тизимининг шунчаки қўйриқчилигини ҳазм қилиш мумкин эмасди. Ўзоқ йиллар кодекслар эмас, махфий ҳат ва кўрсатмалар судларнинг ҳукм чиқаришига асос бўлиб келганлиги унинг риёкорлигини тўла исботлаб беради. Балансларвоз шийорларга ишонган фуқароларнинг ҳуқуқлари амалда ҳеч тап тортилмаб бўлибаверганлиги бу империяни зулм империяси деб аташга асос бўлади».



Шукурки, мустақиллик йиллари Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилинди. Жиноят ишлари бўйича Сайхунбод туман судининг раиси Мирза Пардаев билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

Мақсад ва фаолият муштараклиги

— Мирза ака, судлов тизимида фаолият кўрсатаётган шахс сифатида соҳадаги бугунги жараёнларга қандай баҳо берасиз?

— Мустақилликдан қўзланган энг катта мақсад адолатни батамом юзага чиқариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, демократик қадриятларни қарор топтириш бўлганлиги бугун ҳаммага аён. Совет даврида одамларнинг судсиз отиб ташланганлиги, айбисизлик презумпцияси деган тушунчанинг ўзи бўлмаганлиги, репрессияларнинг авж олганлиги адолат тамойилининг қандай аҳволда бўлганини кўрсатиб беради. Мустақиллик мана шундай адолатсизликларга барҳам бериш учун ҳам ҳалқимизга керак эди. Ўтган ўн тўрт йил давомида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни тарихий деб аташга кўп томонлама асослар бор. Айниқса, судлов тизимидаги ўзгаришларга алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Ҳокимиятнинг бўлиниш принципига монанд судларнинг мустақиллиги конституцияда белгиланган бўлиши ҳаётбахш ўзгаришларга асос бўлди. Биринчидан, судлов жараёнига дахл қиладиган ҳар қандай ҳолатлар чеклаб қўйилди. Иккинчидан, судларнинг ихтисослаштирилиши иш сифатининг яхшиланишига олиб келди. Учинчидан, айбисизлик презумпциясининг қатъий белгиланган бўлиши, жазоларнинг либераллаштирилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устувор деб белгиланган бўлиши натижасида жамиятда демократик қадриятлар мустаҳкам ўрин тутта бошлади. Апелляция ва кассация босқичларида катта аҳамият берилиши, судлов жараёнида адвокатура ва прокуратура ваколатларининг тенглаштирилиши адолатли қарор чиқаришга хизмат қилаётти.

— Мирза ака, шу ўринда бир савол туғилади. Бугунги кунда, сизингча, суд тизимининг мустақиллиги қай тарзда таъминланмоқда?

— Суд мустақиллигини таъминлаш масаласи дунё миқёсида бир неча асрдан бери муҳокама қилиниб келинаётган масала. Кўпгина давлатларда йиллар давомида мана шундай эзгу мақсад йўлида катта муваффақиятларга эришилган. Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришгандан сўнг суд жараёнига бошқа органларнинг аралашуви йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни қўймоқда. Маҳаллий ҳокимият вакилларидан судлов тизими мутлақо ажратиб қўйилган. Судларнинг тайинланишига ҳам бошқа шахслар томонидан таъсир этилишининг олди олинган. Лекин шунга қарамай, вақт ва умумий тараққиёт билан боғлиқ муаммолар бор. Бу айниқса судларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда кўзга ташланади. Ташкилий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаш, албатта, катта маблағ талаб этади. Муаммони ечиш учун судлар ундирадиган бож ва бошқа маблағларнинг маълум қисmini судларнинг ўзидан қолдириш тўғриси йўл бўларди. Яна бир масала — судья ўз ваколат мuddати давомида турли характердаги шахслар билан мулоқотда бўлади. Бу шахслар «тишини қайраб» юриши, судья ҳукми чиқарган «сен билан кейин гаплашаман» деб кўнглига тутиб қўйиши мумкин. Ваколат мuddати тугагач судьянинг улар билан йўли кесишиб қолиши ҳеч гап эмас. Ўшанда ўтмишдаги гаплар ўртага тушиб қолмаслигига ҳеч қанча сабаб берилмайдди. Айтмоқчиманки, судларнинг мустақиллигига мана шундай ҳолатлар ҳам таъсир этиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда суд тизими ҳодимларини моддий қўллаб-қувватлашнинг вақти келди. Бу кўпгина салбий ҳолатларнинг олдини олиши шубҳасиз. Шунингдек уларнинг жавобгарлигини ҳам шунга мос ҳолда кўтариш лозим. Суд тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш ҳам мана шундай долзарб муаммолардан биридир. Санкция бериш ваколатининг судларга берилиши ҳам мана шундай ҳаётбахш ўзгаришларга замин яратиб беришдир.

— Мирза ака, Сайхунбод туман судининг биринчи ярим йилликдахи фаолиятига ҳам тўхталсангиз.

— Дастлабки ярим йилликда 55 та жиноят иши қўриб чиқилди. Жавобгарликка тортилган 69 нафар шахснинг 7 нафари жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жазодан озод қилинган. Бир ҳолатда қасддан одам ўлдирши, иккита ҳолатда оғир жараҳат етказиш жинояти содир этилган. 19 ҳолатда бировларнинг мулки талон-тарож қилинган. Умуман бозор иқтисодиётининг қарор топиб бораётганлиги, кишиларимиз дунёқарашини демократик қадриятлар мустаҳкамланганлиги бундай турдаги жиноятларнинг камайишига умид уйғотган.

«Нидиқ» мухбири Абдурахмон МУСТАҒОҚУЛОВ суҳбатлашди

Мен билган андижонликлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълум бўлишича, Пардабой кўнгидагидай кута олмадим дея, мени меҳмон қилишни Рустамга тайинлаган экан. Йигитлар фотиҳгарчиликда кўнглимизни чулғаган ғашликни ювиш учун роса ҳаракат қилишди. Аскиябозлик тинмади. Қош қорайганда автобусга чиқариб қўйишди. Ўриндиққа ўтирар эканман, беихтиёр «Қутулганимга шукур-э Андижондан» деб юборибман.

— Ҳа, йигит. Анжанининг нимаси ёқмай қонизига, а?

Овоз эшитилган томонга ўғирилдим. Йўғон бир жувон менга ўқрайиб турарди. Ён-атрофдан ҳам бир-икки таъналар эшитилиб қолди. Шошиб қолдим. Унга андижонликларнинг меҳмондўстлигини чарчаганлигини тушуниргунча, яна бир марта чарчаган эдим.

Кеча кечқурун Пардабой келган эди. Анча суҳбатлашиб ўтирдик.

(У ўша воқеадан кейин кўп ўтмай Тошкентга кўчиб келди). Ўша кунларни эсладик. Уни кузатиб қўйгач анчагача ухлай олмадим.

Май ойдан бери телевизор орқали Андижон билан боғлиқ воқеаларни ҳар кўрганимда, юрагим қон бўлади. Энди эса яқинда бошланган суд жараёнини кузатиб, шу пайтгача қон босими нималигини билмаган одам, бу дардга мубтало бўлдим. Судда гувоҳларнинг сўзларини эшитиб, қулоқларимга ишонмайман. Қайси кун бир ота ёлғиз ўғлидан айрилганини айтиб, «Ўғлим мени кўмиши керак эди-ку, нима учун мен уни тупроққа қўйдим?» деб бўлганда чидай олмадим. Эроқак йиғламасин экан. Беш нафар ўғлим бор. Худодан тилагим, улардан бирортасининг доғини кўрсатмасин. У кишининг бўлса ўғли биттагина экан.

Олимларнинг айтишича, инсоннинг қони етти авлоддан кейин

айниб, еттинчиси бегона бўлар экан. Бундан бор-йўғи ўттиз йилча олдин кўрганим, чойхонада менин кўнглимни олишга ҳаракат қилган йигитлар билан бугун суднинг қора курсисидеа ўтирганларни ҳаёлан таққослаб кўраман. Ер билан осмонча фарқ бор. Ваҳоланки, эндигина бир авлод ўзгарди.

Одамга энг таъсир қиладигани, қилғилишни қилиб, яна кечирим сўрашади.

Нияям дердим, кечиримли халқмиз. Ота-боболаримиз «Ёшга умр, қарига иймон берсин» деб дуо қилишади. Мен ҳозир иймонни ёшларга ҳам кўпроқ беришни худодан сўраб турибман. Зора, баъзи устозлари ўргатган аллақандай йўللарга юрмай, ҳақиқий иймонга кириб, яратганини таниса. Шунда ўз халқининг юзига оёқ қўймас, ватанига хоинлик қилмас эди.

Шаҳобиддин ШОРАСУЛОВ, Тошкент шаҳри

BONG

Ёнилгига ўт тушди

Эрта тонгда енгил машинада кетаётган эдик. Кутилмаганда автомобилнинг ёнилгиси тугаб, «ўчиб» қолди. Нойлоб машинадан тушиб икки томондан келадиган хайдовчиларга бензин сўраб, ишора қилишга ўтдик. Қани энди бирортаси тўхтаб, ҳеч бўлмаса бир «баклашка» бензин қолдириб кетса. Бу орада қишлоқ оралаб кетган хайдовчиларнинг озорқ бензин топиб келди. Йўлда кетялмиш кўзимиз яқин орадаги автомобилларга ёнилги қўйиш шахобчаларининг ишлаётган ёхуд ишламаётганини кузатиш билан овора.

Нихоят, кўнглимиз ёришгандек бўлди. Тошкент-Бухоро трактининг Каттакўрғон шаҳри яқинидаги шахобчасида бензин берилаётган экан. Билмадим, уч юзичини бўлими навбатга туриб, кута бошладик. Ярим соат ҳам ўтмай, «қолонка»да бензин тугаганимиз деган гап тарқалди.

Вақти зое кетганидан афсус чекаётган хайдовчилар сўкина-сўкина тарқала бошлашди. Биз эса иложсиз аҳволда эдик. Шу пайт машинамиз ёнига 13-14 ёшлардаги болақай келиб «акалар, олсангиз бизда бензин

бор» деб қолди.

Литри 1500 сўмдан, 7500 сўмга атиги беш литр бензин олиб, улловга солдик. Йигитчанин ҳожаббарорлигидан хайдовчининг димоғи чок эди.

Умуман, шу каби истеъмолчилар ҳуқуқини поймол қилиш ҳолатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари худудидеа деярли 10-15 кундан буюн давом этиб келмоқда. Савлат тўкиб турган автомобилларга ёнилги қўйиш шахобчалари онда-сонда номигагина ишлаб қолмаса, қолган пайтларда уларнинг вазифасини ҳар қадамда учровчи бензинфурушлар давом эттиришаётди. Бу борада бир савол бизни ўйлантиради. Агар худудга бензин келмаётган бўлса, шахобчалар атрофидаги бензинфурушлар ёнилгини қаердан олиб сотишмоқда? Умуман, нефт маҳсулотни таъминоти билан шугулланувчи мутасадди раҳбарлар истеъмолчилар манфаатларини шу қадар оёқ ости бўлаётганидан беҳабармикан?

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Нидиқ» мухбири

QAROR VA IJRO

Масъулият унутилганда

Республикаимизда пахта йиғим-терими қизиган давом этмоқда. Бугун эътибор деҳқоннинг пешона тери, машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган. Йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан ташкил этган вилоятлар бирин-кетин давлат бюрократисини баҳарлиқмоқда. Бирок, айрим вилоятларда бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқ.

Наманган вилоят прокуратураси органлари Ўзбекистон президентининг «2005 йил ҳосили пахта хомашёсини ўз вақтида йиғиб-териб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини иқроси юзасидан ўн қуллик мониторинг ўтказишда бир қатор қонунбузғилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Териб олинган пахтани пешмаш пеш тайёровка идораларига етказиш учун темир йол воситалари сув ва ҳовдек зарар. Бунчи қишлоқ ҳўжалиги мутасаддиларидан тортиб, маҳаллий ҳокимликларга ҳаши билишадди ва мавсум олдидадан улар юқори идораларга «техника шай» дея ҳисобот беришадди. Афсуски, бугунга келибгача шундай ёлғонларнинг миски чакмоқда. Бунчи биргина Мингбулоқ тумани мисолида яққол кўриш мумкин. Тайёр деб ҳисобга кири-

тилган 50 та тракторга эҳтиёт қисмлар етишмагани ва 47 та тиркама шина билан таъминланмаганлиги сабабли мавсумда иштирок этмаётди. Ҳўш, бир туманда шўнча техника ишга яроқсиз бўлса, вилоят бўйича аҳвол қандай деган ҳақли савол туғилади. Афсуски, Наманган, Чуст, Норин, Учқўрғон, Тўрақўрғон туманларидаги аҳвол ҳам Мингбулоқдагидан қолшмайди. Вилоят бўйича ҳаммаси бўлиб 144 та трактор, 194 та тиркама ва 32 та пахта юклагич мавсумга умуман тайёрланмаган. Оқибатда териб олинган пахта бир неча кўнлаб далаларда қолиб кетаяпти.

Шўни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим масъул кишилар пахтанин четта ноконуний олиб чиқиб кетилишига панжа орасидан қарамоқдалар. Мониторинг даврида 21 ҳолатда 629 кг. пахтани четта олиб ўтшга уриниш аниқланган.

Яна бир камчилик шўки, баъзи ҳўжаликларда теричилар учун зарур шароит яратилмаган. Биринчи ёрдам учун дори-дармонлар қўтиси йўқ, иссиқ оёқат ташкил қилинмаган. Вилоят бўйича 207 та ана шўндай ҳолат аниқланган.


Меҳнатта яраша рағбат иш унумдорлигини таъминловчи омилдир. Шў нўқтани назардан қараганда Марказий банчининг вилоят бошқармаси

терилган пахта учун тўловларни нақд пул билан тўлиқ таъминлаётган бўлишига қарамай, айрим жойларда шў пуллар теричиларга вақтида етиб бормаяпти. Масалан, Наманган туманидаги «Ўзбекистон», «Ғайрат», Қ.Солiev номли ҳўжаликларда қўлда терилган пахта учун 28,4 млн. сўм терим ҳақи 10 кун давомида тўланмаган. Энг ачинарлиси, текшириш ўтказилган кўнга қадар вилоят бўйича жами 145 млн. 863 минг сўм терим пули тўланмаган.

Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар якунига қўра, 113 нафар шахсга интизомий, 201 нафарига маъмурий, 169 нафарига нисбатан моддий жавобгарликка оид иш қўзғатилди. Етказилган зарардан 3 млн. 247 минг сўмлиги ихтиёрий равишда ундирилди. 5 та ҳолат бўйича жиноят иш қўзғатилди. Бундан қишлоқ ҳўжалиги мутасаддиларидан тортиб, ҳокимликларга тегишли ҳулоса чиқариб олишлари лозим. Чўнки пахтани ёғин-сочинли кўнларга қолдирмай йиғиб-териб олишга улар масъулдирлар.

Иқромжон СОЛИЕВ, Наманган вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи, Абдуҳошим МАДАТОВ, «Нидиқ» мухбири

SUD OCHERKI



Шумхабарнинг қаноти бўлмаса-да, жуда тез тарқайди. Хамманинг оғзида битта гап: «Хосил бобонинг уйига ўғри тушганмиш. Чолни ўлдиршибди. Кампири «баннисада»миш. Катта-ю кичик хайрон. Салкам саксонни қоралаб қолган Хосил бобо кампири Бахри момо билан ўн болани вояга етказиб, уйли-жойли қилган табарруқ қариялардан эди. Биров уларга ачинса, яна биров ўғрилари лаянлатлайди. Аммо бу воқеадан уч-тўрт кун ўтмай янграган янгилик одамни эсанкиратиб қўйди. «Нима эмиш, бу ишларни бобонинг набираси Шохида бир йигит билан қилган эмиш...».

— Сен бола эмас, бало бўлдинг. На бирор жойда ёлчишиб ишлайсан, на айтганимни қиласан. Рўзгорга-ку умуман фойданг тегадми.

— Бўлди-да, — Карим онасининг дийдиёсига бир оғиз жавоб берди-ю балога қолди.

— Нима? Ҳали сен бола менинг оғзимга урадиган бўлдингми? Йўқол уйдан, кўзимга кўринма. Минг лаяннат сендага ўйилга.

Карим шугагни кутиб тургандек, шартта ўрнидан турди-да, кўчага чиқиб кетди. Қаерга боришни билмай айланиб юраркан, оғайнис Хуришдини учратиб қолди. Бироз ҳасратлашган бўлди. Бир пайт кўзи кўхликка кизга тушди-ю «дард»ларини унутди. Келишганига йигит эмасми, қиз ҳам унинг саволларига қулиб жавоб бера қолди. Тезда танишиб ҳам олишди. Аксига олиб Шохида ундан беш ёш катта экан. Қиз йигитга шунчалик маъқул келдики, Карим «буни қаранг, ёшимиз ҳам тенг экан» дея мулоззат қилишга тушди. Шу ўринда ёшимиз нисбатан катта кўриниши унга қўл келди. Тез-тез учрашиб турадиган бўлишди. Кўп ўтмай Карим қизнинг уйда ётиб қоладиган ҳам бўлди...

Танишувдан бир ойна вақт ўтиб, Шохида Каримга қарзи борлигини, пулдан қийналиб қолганини айтиб, ёрдам сўради.

— Қизикмисиз, олтиш минг сўми қардан оламанми сизга? Ахир ҳеч қаерда ишламаганман-ку!

— Мен нима қилай бўлмасам? Мана отанимнинг қариндошлари роса бой-ку-я, ҳеч ёрдам қилай демасди.

Карим жавоб бермади. Шу пайт Шохиданинг хечраси тўсатдан ёришиб кетди:

— Менга қаранг. Бир иш қиласан-чи, а? Бобом жудаам бой. Уйда пули кўп. Шунинг пулларида

НАФЕ ДОМИДАТИ НАБИРА

олсак бўлмасмикан?

— Ўғирликка тушамизми?

— Нима қилибди. Ўзи бермаганидан кейин... Нима бўлганда ҳам неварасиман-ку. Бобом билан момони хушидан кетказамиз-да, пуллари оламиз...

Карим индамади. Сукут розилик аломати эди...

Орадан олти кунча ўтиб, кечки соат 9 ларда Шохида Каримни бобоси Хосил бобо яшайдиган уйга бошлаб келди. Улар кўчада бироз айланиб, уйга қандай кириш мумкинлигини чамалашди. Тандирхона тепасидаги мўри маъқул келгач, орқага қайтишди.

Шундан сўнг бир ҳафтача бу ишга ботина олишмади. Ниҳоят 2004 йилнинг 21 октябри келди. Шу кун Шохида темир дастали болта билан чарм ва резина кўлқоплар олиб келиб, хонасига яшириб қўйгач, Карим билан кеч киришини кута бошлашди. Соат 22 га бонг урғач, болта билан кўлқопларни олиб йўлга тушишди.

— Шохида, нимагадир оёғим тортмапти, — уйларида эндигина узоклашганларида гап қотди Карим.

— Нимага?

— Билмадим. Қўқиб кетаяпман.

— Юринг-чи, бу ёққа, — Шохида шундай дея йигитни тўғри танишининг уйига бошлади. Карим у ердан 200 грамм ароқ олиб ичиб, анча «ўзига» келиб қолгач, яна йўлга тушди. Хосил бобонинг уйига яқинлашганларида кўчадан одам-

лар ўтиб тургани боис, қарама-қарши томондаги арчанинг орқасига ўтиб, кута бошлашди. Икки-уч соатдан сўнг Шохида «Тезроқ бўлинг, ҳозир тонг отиб қолади» дея Каримни шошира бошлагач, ўринларидан кўзгалишди.

— Менга қаранг, — шивирлаганча ўрғата бошлади қиз. — Мўридан тушиб, чол билан кампирни тинчитгач, дарвозани очганингиздан кейин мен кираман. Йўқса, улар мени таниб қолишади.

Карим тушундим дегандай бошини эгиб қўйди-да, шоша-пиша кўлқопни кийди. Сўнг туфлисини ечаркан, болтага қараб имо қилди:

— Болтани дарвозанинг тагига олиб бориб қўйинг.

У шундай деб тоғмоқча бошладиган Шохида болтани дарвозанинг тагига қўйиб дарҳол изига қайтди.

Карим мўри орқали амаллаб ҳовлига тушгач, овоз чиқармасликка ҳаракат қилганча, дарвоза томон юрди. Секингина дарвоза тагидан болтани олди-ю, нимагадир кўлқопини ечиб ташлади. Чол-кампир ётган уйга қараб юраркан, йўладан ўтиб, Шохида айтганидек ўнг томондаги хонага мўралади. Қоронғида иккита кароватни зўрга илғди. Аммо чол билан кампирнинг ётган жойларини аниқлай олмади. Бу пайтда Каримнинг асаблари шунчалик тараңлашган эдики, оқибатини ўйлашга ҳам улгурмай, қўли беихтиёр чироқ ёққичга қўзилганини сезмай қолди. Хосил бобо тўрдаги кароватда экан, чироқ ёнган заҳоти кўзини очди. Буни кўрган Карим

шошиб қолди. Қўлидаги болта билан шартта чолнинг бошига туширди. Бобонинг тинчиганига амин бўлгач, ҳали ҳеч нарсадан беҳабар ухлаб ётган кампирнинг тепасига келди. Чўнтагидан пичоғини чиқарар экан, кампирни туртиб уйғотди-ю, «Сейфнинг қалити қани?» деб дағдағ қилди. Кампир кўзини очар-очмас тепасида турган шарпани кўрди-ю, жон ҳолатда «Ҳой, кимсан? Бобой, турсангиз-чи!» деб бақириб юборди. Аммо шу заҳоти болта кампирнинг ҳам бошига урилди. Карим шундан кейингина болтани ерга қўйиб, Шохидани қақирди. Аланг-жалаң қилганча уйга қираётган Шохида тўсатдан кампирнинг инграган товушини эшитди-ю, жойида қотиб қолди. Сўнг пичирлаб гап қотди:

— Ҳой, яхшилаб урмабсиз-ку,

билан қиймалаб, томга отиб юборди. Шундан кейингина нарсаларни қизнинг қўлидан олиб хотиржам уйга қараб йўл олди.

Шохиданинг уйига келганларида сўнг бироз вақт ўтиб, Карим «кўлқоп қолиб кетибди-ку» дея йўлга отланиб қолди. Шохида ҳам қаршилиқ кўрсатмади. Йигит уникдан чиққан, тўппа-тўғри халтани отиб юборган жойига келди. Халтани тоғлач, боя Шохидадан яшириб қолган пуллари унга жойлаб, ҳокимиятга борадиган йўлдаги арчаларнинг тагига қўйиб, сўнг орқасига қайтди.

Эртасига, 22 октябр кун эрта билан Шохиданинг уйига Каримни қидириб милиция ходимлари кириб келишди. Бу пайтда Карим хонтахтанинг тагига яшириниб

таниб қолса нима қиламан?

Карим бу гапдан кейин болтани олиб ичкарига кириб кетди. Бироздан сўнг Карим қайтиб чиқди:

— Бўлди, тинчитдим(Бахри момо уч ойлардан сўнг саксалхонада вафот қилди).

У шундай деб хонанинг чироғини ўчириб, эшикни ёпиб қўйди-да, кейинги хонага йўл олди. Шохида жимгина унга эргашди. Икковлашиб сейфнинг қалитини анчагача қидиришди. Топишолмагач, Карим пичоқ билан сейфнинг қалит тижиларига жойидаги темирни ечиб олди. Охири сейф ҳам очилди. Қўлини тиждан эди, халта илди. Ичини очиб кўрса пул бор экан. Сейфнинг ичидан чиққан икки жуфт зирак, иккита медал ҳамда тўртта қўл соати ва яна аллалар билан пулхалтага солди. Шохида ҳам қараб тургани йўқ. Бир четдаги шкафдан билангусук билан бир жуфт сирга тоғди.

— Энди бу ердан жуфтакни ростлаш керак, — Карим шундай дея Шохидани кўчага бошлади. Йўлда Шохида билдирмай халтадан уч пачка 500 сўмлик олиб, чўнтагига солиб қўйди. Шохиданинг уйига озгина қолганда тўхтаб пуллари санаб кўришса, салкам 350 минг сўм экан. Карим пул билан сейфнинг ичидан чиққан нарсаларни кизга тўтқазди. Ўзи эса пулдан бўшаган халтани ёқмоқчи бўлди, аммо урдасидан чиқолмагач, пичоқ

ётган эди. Милиционерлар кетгач, сомонхонадан ўзига «бошлана» тоғди. Кун шу зайилда, яшириниш билан ўтди. Иккинчи кун кечкурун Шохида овқат билан янги тўн ва калпоқ ҳам ола келибди.

— Буларни кийиб, эрталаб чиқиб кетинг. Йўқса сизни топиб олишади. Тўғри Шахрисабздаги дугонаам Клараникча бординг. Телефон қиларсиз, — деб дугонасининг манзилини берди.

Карим эртаси кун саҳарда йўлга чиқиб, қўмиб қўйган пуллари олиб, тўғри Шахрисабзга жўнади. Йўлда чарм куртка билан фотоаппарат сотиб олишга ҳам улгурди.

Эртаси кун Амир Темур хиёбонини айланиб юрган йигит ҳуқуқ-тартибот органи ходимларида шубҳа уйғотди...

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди ушбу жиноят ишнинг кўриб чиқиб, илгари судланган, амнистия акти билан озод этилган Каримни ўн тўрт йилга, Шохидани эса ўн беш йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Шохидага тайинланган жаза амнистия тўғрисидаги фармонга кўра бешдан бир қисмга қисқартирилди.

Бахтиёр Жўраев,
Қамаши туман прокурори

ENTIYOT BO'LING, FIRIBGAR!

Ҳаётда умрнинг кадрига етмайдиғанлар қанча. Улар вақтини беҳуда ва қабиҳ ишларга сарфлашади. Ғиждувонлик Нурмат Тойиров шундайлар тоифасидан. Илгари судланиб 12 йилга озодликдан маҳрум этилган Н.Тойиров 2001 йили амнистияга асосан озодликка чиққан эди. Лекин кўп ўтмай у яна жиноят кўчасига қиради. Эркин Назаров, Меҳриддин Қодиров, Юнусбой Субхонкуловлар билан биргаликда Пизигмон қишлоғида яшовчи Хасан Фойибонинг ишончини суиестеъмол қилишди. Унга куқунсимон моддани «илон заҳри» деб алдаб сотишди.

Бир кун Нурмат гапириб қолди:

— Мен бир пулдори биланман. «Тик»-да қирақашлик қилади. Буттур март ойининг бошларига Навойидан келишимда танишганман. Пизигмон қишлоғида яшайди. Уни бемалол алдаш мумкин.

— Қандай қилиб? — сўради Меҳриддин.

— Бунинг учун ...

Хуллас, сценарий бўйича 2004 йил 27 март кун Нурмат Ғиждувонга, Хасан Фойибонинг уйига келди. Биргаликда Навойи шаҳри томон йўлга чиқиди. Ғиждувонга кириш жойидаги Зарафшон дарёси кўприги олдида Нурмат почаси Эркин Назаровни

учратди. Лекин Хасанга уни ҳамкорим деб «таништирди». Сўхбат давомида Эркин Тошкент шаҳридан меҳмон кутаётганини, улар билан тиббий дориларини сотишаётгани ва даромади зўр эканлигини айтди.

Орадан ярим соат ўтгач Тошкент томонидан 20 L 22-21 номерли оқ «Мерседес»-да икки киши келиб, Э.Назаров билан кўришади. Меҳмонлардан бири Меҳриддин Қодиров уларга илон заҳри кераклигини ва бу ашёнинг 1 килоси учун 40 млн. сўм бериши ҳақида айтди. Шунда Нурмат Х.Фойибонга Қоракўлда Юнусбой исмли таниши борлиги ва у илон заҳрини топиб бериши мумкинлигини уқтир-

«ИЛОН ЗАҲРИ» ОПЕРАЦИЯСИ

ди. Хасан бу таклифга рози бўлиб, биргаликда Юнусбой Субхонкуловнинг уйига боришди.

— Юнусбой, сендан бир ёрдам сўраб келдик. Илон заҳри топиб берсанг. Йўқдеса, оғайни. Ўзингда бўлмаса, таниш-билишларингдан чиқиб қолар! — илтимос қилди Нурмат.

— Сизлар учун топилади, лекин нархи бироз қimmat. Агар сизларга оғирлик қилмаса ярим кило бор. Нархи 9 та кўкидан, — Юнусбой шундай деганича уларга текшириш учун кичкина идишда куқунсимон моддани бериб юборди. Шундан сўнг Э.Назаров ва М.Қодировлар идишдаги куқунсимон моддани гўё «илон заҳри» сифатида қабул қилишади. Бироз ўтгач дорининг сифати талабга жавоб беришини ай-

тиб 0,5 килосини 20 минг долларга сотиб олишни ваъда қилишади. Фирибгарлар шу йўл билан Х.Фойибонинг «илон заҳри»ни сотишдан катта фойда олишига ишontiришади.

— Ана бизнес-у, мана бизнес! Йигит кишининг омади чопса ҳеч гап эмас. Боилиқнинг ўзи қидириб келар экан! — дея ич-ичидан хурсанд бўлиб Х.Фойибон. У тезда ишга киришди. Ҳамёнидаги пулнинг қамлигини ҳам уйлаб ўтирмади. Қўсаработ қишлоғида яшовчи қариндоши Шерзод Раҳимовдан 3000 доллар, қонилиқ қариндоши Собир Музаффаровдан 1000 доллар қарз олиб, ҳамкор бошчилигида яна Қоракўл томон йўлга тушди. Олот кўприги олдида Нурмат Хасандан 4000 долларни олиб ўзини шу ерда қолдиришди. Нурмат М.Қодиров, Э.Назаров ва Ю.Субхонкуловлар билан Олот тумани ҳудудига келишилган жойда учрашишди. Нурмат почаси Эркиннинг илтимосига кўра Меҳриддин ва Юнусбойни

«1500 долларни ўртоғимдан қарзга олдим» деб ишontiриди. Қолган 2500 долларни тўрт киши 625 доллардан бўлиб олишди. Сўнг Нурмат Юнусбой билан Хасаннинг олдида қайтиб келишди ва Меҳриддин берган пластмасса идишдаги куқунсимон моддани «илон заҳри» сифатида кўрсатди. Юнусбой Хасанни бу дорининг микдори 0,5 кило, баҳоси эса 9000 доллар эканлигига ишontiриб, 5000 долларни кейин келтириб беришга кўндирди.

Ниҳоят Хасан фирибгарларга алданганини сезиб Ғиждувон тумани ички ишлар бўлимига ариза берди. М.Қодиров ва Ю.Субхонкуловлардан 1.200.000 сўм Х.Фойибонга қайтарилди. «Илон заҳри» ашлада бўлмаганлиги, Х.Фойибонга ўхшаш соддадил кишиларни алдаб, боилиқини қўлга қиритиш учун тузилган режа учун востита эканлиги аён бўлди. Фирибгарлар тегишли жазосини олишди.

Эркин СУЛТОНОВ,
Ғиждувон тумани прокурори,
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист



Журналист кўрсатмаси

«Нью-Йорк таймс» газетаси мухбири Жудит Миллер АҚШ судида кўрсатма беришга рози бўлди. Маълумки, бундан тўрт ой аввал Миллер хоним яширин фаолият олиб борган Марказий разведка бошқармаси агенти Валери Плейм тўғрисида мақолалар ёзган. Мамлакат қонунчилигига кўра, махфий агентларни ошкор этиш тақиқланади. Жудит Миллер МРБ агенти тўғрисида унга қим маълумот берганлигини айтмаган ва суд томонидан тўрт ой муддатга озодликдан маҳрум этилган. Эндиликда, Миллер хоним тўрт ой аввал ёпишган жиноят иши қайта кўриб чиқишнинг талаб этиб, судда ўша вақтда айтилмаган маълумотларни ошкор этишини билдирди.



Европа иттифоқи сари

Туркиянинг Европа иттифоқидаги кириши борасидаги бахслар давом этмоқда. Айни масала бўйича музокаралар 3 октябрда бошланиши режалаштирилган эди. Бунинг учун иттифоққа аъзо барча 25 давлат ҳукумати розилик бериши керак. Бироқ, Австрия ҳукумати Туркиянинг ЕИГА тўлақонли аъзо бўлишига қарши. Австрияликларнинг таъкидлашича, Туркияга «ҳамкор» сифатида қараш лозим, ҳолос. Чунки, агарда кўпроқ шарқ маданияти ҳукм сураётган Туркия Европа иттифоқида аъзо бўлса турли зиддиятлар келиб чиқиши мумкин. Австриянинг қарашларига изоҳ берад экан, Туркия бош вазир Режеп Тайип Эрдоган мазкур вазорат асоссизлиги, халқларнинг маданияти ҳеч қачон бир-бирига нисбатан зиддиятлар пайдо бўлишига сабаб бўлмағлини таъкидлади. Унинг айтишича, Туркияда мусулмонлар билан бир қаторда миллионлаб христиан дини ва маданиятига мансуб кишилар истиқомат қилади. Шу вақтгача уларнинг ўртасида ҳеч бир низо ёки зиддият рўй бермаган.



аниқланмади

Полшала президентлик сайловларининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда 14 номзод қатнашди. Бироқ, кузатувчиларнинг фикрича, президентлик лавозимини учун кураш иккита асосий номзод «Қонун ва адолат» партияси вакили Лех Качинский ва «Фукаролик платформаси» партияси вакили Доналд Туск ўртасида бўлиб ўтди. Сиёсатчиларнинг фикрига кўра, айнан шу икки номзод кўпроқ овоз йиғиши мумкин. Чунки, иккала партия ҳам «ғарб томон интилиш» сиёсатини илгари сурмоқда. Сайловларнинг биринчи турида ҳеч бир номзод 50 фоиз овоз тўплай олмаган. Навбатдаги тур 23 октябрда бўлиб ўтади.

Жиноятга жазо муқаррар

Россиянинг Перм вилояти суди собиқ участка милицияси нозир Владимир Трофимовни 25 йилга озодликдан маҳрум этди. Собиқ милиционер товланчилик ва 4 та қотиллик жиноятини уюштирганликда айбдор деб топилиди. Владимир Трофимов нафақага чиққач, жиний уюшма ташкил этади. Ўз ҳамтовоқлари билан биргаликда маҳаллий ишёнисталар билан танишиб, алдов йўллари билан уларнинг уй-жойига эгаллик қилишга руҳсат берувчи ишончномаларни қўлга киритади. Шундан сўнг квартиранинг собиқ хўжайини ё кўчага ҳайдаб чиқарилади, ё ўлдирилади. Қотилликларни Трофимовнинг ҳамтовоқлари Николай Силантьев ва Егор Бабилов амалга оширган. Суд уларни умрбод қамоқ жазосига ҳукм этди.



ТАБИЙ ОФАТ

Ўтган ҳафта Покистон ҳамда Ҳиндистон ҳудудларида рўй берган zilzila оқибатлари бартараф этилмоқда. 8 октябр кун миқтада Рихтер шкаласи бўйича 7,7 баллик ер қимирлаши рўй берган. Табиий офатнинг маркази Кашмир тоғлари ҳудудига тўғри келган. Покистоннинг Музаффаробод шаҳри zilzilaдан энг катта зарар кўрган жой сифатида эътироф этилмоқда. БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини мувофиқлаштириш бўйича вакили Элизабет Бирнинг таъкидлашича, ҳозир мазкур ҳудудда инсонпарварлик ташкилотлари вакиллари ҳамда халқаро кутқарувчилар гуруҳи мамлакат кучлари билан биргаликда кутқарув ишларини олиб бормоқда. Зилзила оқибатида Покистонда 40 минг, Ҳиндистонда эса 558 киши ҳалок бўлган, 2,5 миллион киши бошпанасиз қолган.

Зилзила таъсири Афғонистон ва Қозғистонда ҳам кузатилади. 9 октябрда эса Покистонда иккинчи мартаба 6 баллик куч билан zilzila рўй берди. Ҳозирча талофатлар тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Айни дамда Покистонда турли давлатлардан халқаро инсонпарварлик ёрдами келтирилмоқда. Бир неча давлатлардан келган кутқарувчилар кидирув-кутқарув ишларида қатнашмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакилларининг айтишича, zilzilaдан талофат кўрган ҳудудларга биринчи навбатда зарур бўладиган дори-дармонлар ва тиббий ускуналар жўнатилган.



Сабаблар аниқланмоқда

Тожикистоннинг фавқуллода вазиятлар вазирлиги биноси яқинида портлаш рўй берди. Маълумотларга кўра, ўрта ёшдаги аёл вазирлик биносига яқинлашиш мақсадида йўлни кесиб ўтаётган вақтда, сумкасида бўлган РГД-5 русумли граната портлаб кетган. Портлаш оқибатида аёлдан бошқа ҳеч кимга зарар етмаган. Тожикистон ҳуқуқ-тартибот органлари вакилининг хабар беришича, айни дамда мазкур иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.



Террорчилар хуружи

Афғонистонда террористик ҳаракатлар давом этмоқда. Ўтган ҳафта Афғонистон жануби, Қандаҳор шаҳри яқинида жойлашган АҚШ ҳарбий базасига йўл олган Буюкбритания ҳарбий назорат автомашинасига террорчилар томонидан ҳужум қилинди. Портловчи модда жойлаштирилган машина катта тезликда келиб Буюкбритания ҳарбий назорат автомашинасига урилди. Портлаш оқибатида ушбу мамлакатнинг 4 нафар фуқароси тан жароҳат олган. Қандаҳор вилояти губернатори Асадулла Холидининг баёнот беришича, мазкур террорчилик ҳаракати «Толибон» ҳамда «ал-Қоида» террористик ташкилоти жангарилари томонидан амалга оширилган.



Айбдорми, йўқми?

Украина Бош прокуратураси собиқ президент Леонид Кучманинг жиний жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида хабар тарқатди. Хабарда айтилишича, собиқ президент маъмуриятининг айрим вакиллари устидан қатор айбловлар билан жиноят иши кўзгатирилган. Шунингдек, журналист Георгий Гонгадзенинг ўлими юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари ҳам яқинида етмоқда. Бош прокурор Святослав Пискуннинг айтишича, агар мазкур жиноятларда собиқ президентнинг иштироки борлиги исботланса, Кучма албатта қонун олдида жавоб беради.



БАҒАДОДАГИ НОТИНЧЛИК

Ўтган ҳафта Ироқ пойтахтида мамлакат нефт саноати вазирлиги биноси ёнида террорчилик ҳаракати содир этилди. Ироқ хавфсизлик хизмати вакилларининг хабар беришича, портлаш бино яқинидаги автомобиллар тўхташ жойида содир этилган. Портлаш оқибатида 10 киши ҳалок бўлган, 8 киши жиддий жароҳатланган. Яна бир террорчилик ҳаракати пойтахтнинг шимоли-ғарбий қисмида содир этилди. Террорчилар томонидан қўйилган портловчи мослама америкалик ҳарбийлар ўтаётган вақтда ишга туширилган. Мазкур портлаш натижасида бир нафар АҚШ ҳарбийси қурбон бўлган. Таъкидлаш жоизки, Ироқда уруш бошлангандан бери бу ерда ҳалок бўлган АҚШ ҳарбийларининг сони 1947 тага етди.

Лицензия декор қилинадими?

Россия Бош прокуратураси Михаил Ходорковскийнинг уч нафар адвокати Антон Дрель, Денис Дятлев ва Елена Левинани «ЮКОС» ишини фош қилишда тўққинчилик ва суд жараёнини қонунга хилоф равишда чўзиш айбловлари билан жазога тортишни талаб қилган. Шунингдек, Ходорковскийнинг яна бир ҳамтовоқи Юрий Шмидтнинг адвокатлик лицензиясидан маҳрум қилиш масаласи Санкт-Петербург адвокатлар палатасида муҳокама қилинади. Россия бош прокурорининг ўринбосари Юрий Бирюковнинг айтишича, Шмидт ҳамда «ЮКОС»нинг бошқа адвокатлари оғохлантирилганларига қарамай, яқинида бўлиб ўтган суд муҳокамасига келишмаганилиги боис суд жараёни маълум муддатга узайтирилган.



Номзод аниқланган

Швеция киролик академияси бу йилги Нобел мукофотида сазовор бўлган шахсни эълон қилди. Жаҳонда ядро энергиясининг ҳарбий йўналишида қўлланилишига қаршилик қилиб, уни фақатгина тинчлик йўлида ишлатишдаги сай-ҳаракатлари учун МАГАТЭ ташкилоти ва унинг раҳбари мисрлик Муҳаммад ал-Бародий мукофот лауреати деб топилиди. Таъкидлаш керакки, бу йил Нобел мукофотида номзодлар сони бошқа йилларга нисбатан кўпроқ бўлган. Жорий йилда 199 та киши ва ташкилотлар мазкур соврин учун курашдилар.



